



Жонажон Ўзбекистонимизнинг буюк келажакни бунёд этish асосан бугунги ёш авлод зиммасига тушади. Уларни билимли, маданиятли, изланувчан, таъаббускор қилиб тарбиялашда ўқитувчи-мураббийларнинг ўрни шубҳасиз бекибдир. Тошкент Давлат университетининг ўзбек филологияси факультети ўқитувчиси Нодира Дўстқўжаева билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

Ватан ҳақида сўз

ҚОНИМИЗДА ЖУШ УРГАН ТУЙҒУ

— Ватан туйғуси ёшлар қалбидан янада чуқурроқ жой олиши учун нима қилмоқ даркор, деб ўйлайсиз? — Одатда «Ватан туйғуси» деган иборани айримлар китобий деб билади. Аслида эса қонимизнинг ҳар томчисига сингиб кетганини ҳис қилиб яшашимиз керак. Бу туйғу бизга аждодларимиздан ўтган меросий хусусиятдир. Ватан туйғусини, яъни Жалолддин Манғуберди, Муқанна ва бошқа кўплаб баҳодир бобоқалонларимизга хос юксак ватанпарварлик туйғусини ёшларимиз қалбига жо қилдириш учун шу мавзуда кўпроқ ташкилий ишлар, шунингдек, ҳар хил учрашувлар ўтказиб турмоғимиз даркор. Бу борада республикамиз бўйлаб ўтказилаётган «Ўзбекистон — Ватаним» — юксак санъат даражасига кўтарилган кўшиқлар курик-танлови, кундалик ҳаёти-мизда ҳар нафас керак бўладиган гўзал кўшиқларнинг яратилиши, шубҳасиз катта аҳамияти молик бўлган тадбирдир. Бу эса ёшларимиз қалбига она Ватанга меҳру муҳаббат туйғуларини, фахри ифтихор ҳиссини янада жўш урдиради. Ватан туйғуси мўқаддас, унинг ҳар қарич ери эса кўзга тўтиб маскан эканлигини англатади. Назаримда ватанпарвар бўлиш учун кўксини пулемёт ўқиға тўтиб бериш шарт эмас, балки ҳар сонига, ҳар доим қимнинг фарзанди, қайси юртининг ўғлини эканлигини, ота-боболаримиз ким бўлганлиқларини унутмасдан яшашимиз даркор. Мушаккил давлатимизга муносиб фарзанд бўлиш, шу юрт шашнига доғ тушадиган хатти-харакатлар қилмаслик олий фиъзалат.

— Ҳар бир касбнинг ўзига яраша сеҳри, шунингдек, машаққати бўлади. Мана сиз ҳам маълум касб эгасисиз. Айтинг-чи, ёшларимиз касб танлаш босқисига адасмасликлари учун нимага эътибор бермоқлари лозим?

— Киши воёга етган сари ҳар қандай масаланинг моҳиятига етишишга интилади. Айтилик, шифокорнинг оппоқ кийимига ҳавас қилган болакай ёши улғая борган сари бу шунчаки ҳавас эканлигини тушунади, кейин қалбига ушбу касбга бўлган меҳру муҳаббат янада орта боради, бу унинг масъулиятини, шунингдек, жозибасини фаҳмлай бошлайди. Дарҳақиқат, барча касбнинг ўзига яраша сурруи бор. Ўқитувчи, муҳандис, иктисодчи... «Қайси бирини танласан экан...» Кўпчилик ёшларимиз ушбу ҳолатга тушади. Назаримда инсон касб танлашни мактаб парчасида ўтирган онларидан бошламоғи даркор. Шу пайтдан эътиборан танлаган хунарининг меҳнатини, махсулини кузатиб, шу соҳа мутахассислари билан доимий мулоқотда бўлиши, уларнинг иш тажрибаларини ўрганиб бориши керак. Бундай учрашув ва суҳбатлар яхши натижа беради, танлаган касбига меҳри ортади. Ҳозирда республикамизда кўплаб лицейлар фаолият кўрсатмоқда. Бу эса келажакда буюк ўзбек давлати малакали касб эгалари тайёрлашда асосий омил бўлиши шубҳасиз.

— Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш учун мураббийлар зиммасига ҳам масъулиятлар юкланиши табиий...

— Албатта. Шу заминнинг гуллаб-яшнаши учун, тараққиёт сари янада дадил оқимлаши учун хизмат қилиш ҳар бир фақдорнинг бурчидир. Буни ҳар ким ўз иш жойидан бошламоғи лозим. Мен педагог сифатида бурчимни туркий тилларда битилган ноёб асарларимизни тилимизнинг софлигини, улғиллигини, адабий ҳазинамиз бойлигини, ундаги ҳар бир асар дуру гавҳар эканлигини, қимматини, химматини, ўлмас ҳикматларни талабаларимиз, ўқувчиларимиз қалбига етказиш деб биламан. Эеро, ота-боболаримизнинг доно ўғитларидан баҳраманд ёшлар эртанги кунимизга пойдевор қўйиши, илм олишга интилиши шубҳасиз.

Суҳбатдош Рўзбой АЗИМЙИ.

1996 йил — Амир Темури йили

СОҲИБҚИРОННИНГ ЗАНГИ ОТАГА БУЮК ЭҲТИРОМИ



Яссавия тариқатининг энг йирик вакилларидан бири, машҳур мутасавуф доғиманд Занги ота Ҳимматийнинг яшаган маскани Шов (Тошкент) вилояти бўлиб, Тошкент билан Қовунчи (Янги йул) оралиғидаги «Занги ота» номли қишлоқдир. Яна Занги ота Тошкент шаҳрининг Самарқанд дарвоза кўчасидаги «Занги ота» махалласида туғилиб ўсган деган тахминлар ҳам бор. Занги отанин ҳақиқий номлари Ойхўжа ибн Тож Хожадир.

Ҳазрати Занги отанин падари бузургвори Тож Хожа, унинг отаси Абдул Мулик ота бўлиб, ул зот узининг пир-муридиди Мансур ота орқали Туркистон мулкунинг Шайх-ул-машойихи, сарвари ва фахри атрак хазрати Хожа Аҳмад Яссавийга бориб болгандади. Тож Хожа унинг узи ҳам Ҳазрати Яссавийнинг хизматларида бўлиб, бевасита ул табаррук зотдан тасавуфий — ирфоний таълимот ва иршодот (йўлнамалар) олган.

Занги ота турк-ислом оламидики улғ мутафаккир ҳамда мутасавуф доғимандлардан бири бўлиб, унинг номи фақат Мовароуннаҳрдигина эмас, балки Хурсон халқлари орасида ҳам маълум ва машҳурдир. Ул мўтаваққат зот илҳам пайтдан падари бузургвори Тож Хожа ҳузуринда таълим олади. Отаси вафотидан сунг Хожа Аҳмад Яссавийнинг учинчи халифаси ва содиқ шоғирди бўлиши Ҳаким ота (Сулаймон Боқирнинг) ҳузуринда боради. Бир неча йил ул улғ зотнинг мулозиматида бўлиб, «Яссавия» тариқатининг сир-асорини ўрганади. Занги отанин бутун онгли ҳаёти Мовароуннаҳр халқларини энг оғир ва даҳшатли даври — Мўғул истилоқларининг беавб босқини пайтига туғри келади. Ана шундай оғир вазиётада Занги ота ва унинг ундан ортқ халифалари ва шоғирлари бўлиши буюк мутасавуф зотлар халқ оммасини қарамонлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, поклик, турғиллик, адлу инсоф, меҳр-шафқат, муруват, худуджойлик каби энг олий, умум-исломий, умумбайроғий гоялар билан озқилтирилди, уларни руҳан ва маънан тетик тутиб, қўллаб-қувватлаб турганлар.

Занги ота билан Соҳибқирон Амир Темури ҳақида — Туркистон халқларининг бул итқал буюк диний-маънавий тасавуфий ва тарихий зотлари турғисиди маълуми бирталла ривоятлар, ҳикоятлар ва йақлар тўғрисида. Ушундай ривоятларда бузургвор бобоқалонларимиз Соҳибқирон Амир Темурининг Занги ота Ҳимматийга бўлган чуқур меҳр-муҳаббати, унинг ҳуқуқига бўлган пок ва беалоийш садоқати ҳамда иззат-эҳтиромни баён этилади.

Амир Темури томонидан Занги ота мақбарасининг қурилиши ҳақида халқимиз орасида бир неча ривоятлар маъжуд. Бир ривоятда нақл қилинишича, Соҳибқирон Амир Темури Қурагон навабдаги юришга кетавтиб, йули Занги ота қишлоғига тушади. Яссавийнинг бузургвор пирларидан бири бўлиши Занги ота Ҳимматий қабрини зиярат қиларкан, сафардан қайтганда, бу мўқаддас жойга, табаррук зотга навабдан бино қилиниши кўзидан ўтказилади. Ниҳоят бироқ вақт ўтган Амир Темури лашкари билан сафардан қайтиб келадди ва қурилишга эълу ниятини амалга оширишга жазм қилади. Кўп улмай қурилиш ишлари бошланиб кетади. Яқин уртада тавёр гийт бўлмагани туғайли, Соҳибқирон Фармонига қура, Самарқанд ҳудудидан Занги ота қишлоғига аскарлар йлма-ён туришиб, гишларни қўлга-қўлга узатган эканлар. Яна бир ривоятга қура, Амир Темури Туркистонга бориб, у ерда Хожа Аҳмад Яссавийнинг мўбарак қабрларини зиярат қилганда, қабр устига мақбара қуришга фармон берган. Шундан кейин буюк деганларидек, қурилиш ишлари зуллик билан бошланиб кетади. Ниҳоят, пойдевор битказилиб, унинг устига девор тиклана бошлайди. Кеч қирғач уста ва мардикорлар кечки овқатдан кейин уйқуга кетдилар.

Эрталаб уйғудан қуранларини, не кузлари билан курсиларни, кеча кутарила бодил девор айдарилиб, гишларни ҳар ёнда парча-парча бўлиб сочилиб ётарди. Бу ҳолатдан ҳамма ҳайрон бўлиб, ҳайратдан ёқа ушлашади: «Наҳотки, гийт теришда нуқсонга йул қўйишган бўлсалар?» Усталар деворни қайтадан тиклашга киришилди.

Эртасига ҳам худди шу аҳвол тақоррланади. Не машаққатлар билан кутаришган девор кечаси но-маълум сабаблар билан қулайверади. Кечаси пойқоқ қорувул қўйишади. Қорувуллар тоғ отунча миҳжа қоқмай қўйлашади. Ярим тунда катта, баҳайбат,

буқабуйин сарик ҳуқиз келиб, пурқудрат шоҳлари билан деворни бўзим, сунгга узи гойиб булади. Кеч қим уни ушлаш олмади.

Бу воқеадан Соҳибқирон Амир Амир Темури воқиф булади. У ҳам ҳайратланиб «Бунда бир сир бўлса керак ва уни англамас лозим», деган фикрга келади.

Қулардан бирида, кечаси Соҳибқирон Амир Темури туш куради. Этнига у узун оқ ятқак кийган бошига оқ салла ураган, оқ соқолик бир нуруний мўсафид Соҳибқиронга яқин келиб: «Эй Амир, мақбарани аввал Занги отага қургин, сунгга Хожа Аҳмад Яссавийга қургин. Шунда у бузилмайди. Чунки Занги отани чақалоқлида кўтариб олиб келиб, Хожа Аҳмад Яссавийга қуратишган ва ундан суони сурашган. Ушунда ул зоти мўбарак «Сунгига мендан олдин шу гудак мақбара қурилсин! Сизлар мени ҳурмат этиб келибсизлар, бу гудак мендан ҳам улғ бўлсин», деб ҳиммат қилди билан унинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб бориш қийин эмас. Бунинг учун бир оқ туяни олиб, яқин ният билан йулга қўйиб юборасизлар. Орқасидан кузатиб борасизлар, у албатта Занги отанин қабрини топиб беради», дея оқ қийимли гойиб булади.

Амир Темури тушидаги ажойиб-у гаройиб сўқбатдан ҳайратланиб, эртаси кунёк оқ туя топдири, унинг орқасидан 4-5 одамни кузатувчи қилиб жунатади. Оқ туя ва унинг издошлари (кузатиб борувчилар) бир неча кеча-кундуз йул юришиб, ниҳоят Шов вилоятидаги ҳозирги Занги ота қишлоғига етиб келишибди. Шу ерда қолганда, оқ туя тухтабди. Сунгга йўлдан бироқ четроқ чиқиб тиз чўкибди ва у ёқ-бу ёққа алағлаб қарай бошлабди. Кузатувчилардан бири тевлик билан отдан тушибди-да, туянинг атрофини қамчин билан доира қилиб чизиб қўлади. Шу белгиланган жойда дарвозахона (жиловхона) қурилган. Бу дарвозахона ҳозир ҳам маъжуд. Занги отани зиярат қилгани келувчилар ана уша дарвозахонадан ўтишади.

Оқ туя шу чўққанича уридан турмай, урмалаб юқори томон қўзғалаверибди. Кузатувчилар диққат қилиб унинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб боришибди. Туя юз одимча урмалаб-қўзғалаб боради, ниҳоят тухтабди. Бошини қўла томонга қўйиб, оёқ-қўлини чўзибди. Бечора туя кейин бир наъра тортиб жон берибди. Кузатувчилар туя етган жойини доира шаклида чизиб белгиләбдилар. Занги отанин қабри шу ерда бўлса керак деган фикрга келишибди. Булган воқеани зулдук билан Амир Темурига етказишибди. Соҳибқирон Амир Темури уша жойга Занги ота Ҳимматийнинг ушун мақбара қуришни буюрибди. Мақбара ушун гишларни Туркистондан олиб келишибди. Темури лашкари Туркистондан Занги ота қишлоғига қатор туришиб, гишларни қўлга-қўлга узатишибди. Занги ота мақбараси биттандан сунг Соҳибқирон Туркистонда Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавийга мақбара ясашига амир қилган экан...

Кўриниб турибдики, ҳар иккала ривоятда ҳам Хожа Аҳмад Яссавий, Ойхўжа ибн Тож Хожа бағоят буюк диний маънавий, тасавуфий, ирфоний сиймо бўлганини, уларнинг ҳар иккаласига Соҳибқирон Амир Темурининг чуқур ва самимий иззат-эҳтиромни баён этилган. Ривоят ҳақиқатини синқирларидур, деган илмий-фольклорик қондаг ривож қилиб таърирдаган бўлса, Шов вилояти аҳолиси, бутун Туркистон (Марказий Осиё) халқларининг пир-муридиди Занги ота Ҳимматий ва жорий йилда мўбарак таваллудининг 650 йиллиги нишонланётган бузургвор, буюк диний аристократ, улғ саркарда, бобоқалонимиз Соҳибқирон Амир Темури сиймоларига бағоят чуқур ҳурмат-эҳтиромни ва алоҳида самимият билан қарашларига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Яна бир бора таъкидлаб айтишимиз келадикки, Занги ота Ҳимматий, Соҳибқирон Амир Темури каби бузургвор пир-муридларимиз, буюк ватанпарвар саркардаларимизнинг руҳи покларини қанчалик самимият билан эсласак, хотирласак, ушол улғувор зотларнинг руҳи поклари мушаккил Ўзбекистонимизнинг обрў-эътиборининг жаҳон бўйлаб тез сурьатлар билан кўтарилишига ҳаммаимизни қўллаб-қувватлайди.

Ориф УСМОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг етатқи илмий ходими, филология фанлари доктори.

«КАМОЛОТ» ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармасида Республика Президенти Ислам Каримовнинг 1996 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга оширишда жамғарма бўлимлари фаолиятини белгилашга бағишланган ҳудудий семинар бўлиб ўтди.

«Камолот» жамғармасининг Тошкент шаҳри, Сирдарё, Жиззах вилоятлари, туман ва шаҳар бўлимлари раислари ва ижрочи директорлари қатнашган семинарда Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси бошқарувининг раиси Ҳотам Абдураимов жамғарма бўлимлари шаклланиш жараёнидаги асосий йўналишлар ҳақида маъруза қилди.

Маълумки, «Камолот» жамғармаси ёшларни барча соҳаларда камолотга етакловчи, уларнинг интилиш ва қизиқишларини қўллаб-қувватловчи асо-

сий ташкилот ҳисобланади. Шунинг учун ҳам жамғарма бошқаруви раисининг биринчи уринбосари М. Қирғизбоев баён этган «Камолот» жамғармасининг шаҳар, туман бўлимлари фаоллари ва жамоатчилик марказлари аъзолари ўртасида маънавият, маърифат ҳамда маданиятни юксалтиришга доир дастурий мақсадларни амалга ошириш юзасидан тавсиялари семинар қатнашчилари томонидан катта эътибор билан тингланган. «Камолот» ёшлар жамғармаси тузилиши ва фаолияти жиҳатидан ҳам кўп

қиррали бўлиб, унинг аъзолари чуқур билимга эга булишлари лозим. Семинар қатнашчилари турли масалалар юзасидан қизгин баҳс-мунозара юритиб, узаро фикр алмашдилар. Жумладан, муомаланин ижтимоий-психологик маданияти, ёшларни ижтимоий, сиёсий ва конституциявий ҳуқуқларини тула амалга оширишда зарур шароитлар яратиш, жамғарманин тадбиркорлик фаолияти, корхона, фирмалар очиш, бизнес режалар ишлаб чиқиш, грантлар ниима, улар ким томонидан ва қандай шароитларда берилади каби саволлар ва бошқа масалалар юзасидан амалий маслаҳатлар тингланди.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

«ОЛИМП-601» — НОГИРОНЛАР МАШИНАСИ

Республика Ижтимоий таъминот вазирлигида ногиронлар учун мўлжалланган «Олимп-601» автомобил билан таништириш маросими бўлди. Автомобил «Олимп» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ходимлари томонидан яратилган.

Янги тўрт ўриндикли автомобилга махсус жиҳозлар ўрнатилган. У арзонлиги, ёқилгини кам сарфлаши, таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш ишларида кам маблағ талаб қилиши

билан бошқа машиналардан фарқ қилади.

Таништириш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон ижтимоий таъминот вазири Б. Умурақов, «Олимп» қўшма корхонасининг бош директори С. Муқурдумов, уруш ногирони М. Фуломов, Ўзбекистон ногиронлар жамияти раиси С.Убайдуллаев, «Маҳалла» республика хайрия жамғармаси раиси Ш. Темуров мамлакатимиз Президентини ҳамда республика раҳбарияти томонидан уруш ва меҳнат но-

гиронларига мутасил ғам-хўрлик кўрсатиб келинаётганини тўғрисида гапиришди.

«Олимп» қўшма корхонаси тез орада ногиронлар учун мўлжалланган автомобилни ишлаб чиқара бошлайди. Корхонада йилга 30-40 мингта машина тайёрланиши режалаштирилмоқда. Машиналар республикамиздан ташқари Марказий Осиёдаги бошқа давлатларга ҳам етказиб берилади.

(ЎЗА)



ТУҚУВЧИ ЭКАНИГИДАН ФАХРПАНАДИ

«Тошқўқиччи» хиссадорлик жамияти ишлаб чиқаришларида илгор ишчилар кўп. Шулардан бири корхона 1-туқу фабрикаси Фидойиси тажрибали туқувчи Зулфия Солиевадир. У бу ерда техника билими юртини битириб келганди. Шундан бери корхонада ишлаб обрў-эътибор топди.

Дастлаб Зулфияга тажрибали туқумачилар ердан беришди. Албатта мураккаб дастгоҳлар сир-асорини бирдангина билиб олиш қийин. Зулфия қудратли машиналарни бошқаролмай тушунлиққа тушган вақтлар ҳам бўлди. Шундай кезларда унга устозлар ақиндан ердан қўлини чўзишди. У ҳамма мураббийларнинг «Дарахт бир жойда кукаради» деган ўғитларига амал қилди. Улар ишончини оқлаш умидида астойдил ишга берилди. Натияжада кўп улғай дастгоҳлар билан ишлашни пухта ўзлаштириб олиб, машиналарни мушаккил бошқара бошлади. Кечаси ишчилардан олган тажриба йиллар давомида сайқалланиб борибди. Шундай қилиб у уз қасбининг устасига айланди.

Айниқса корхонадаги эски ўқув дастгоҳлари янғиса билан алмаштирилган, Зулфиянинг иқтидори янада намоян бўлди. Энига газламалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бу замонавий дастгоҳлар фақат

тажрибали ишчиларни талаб этади. Шундайлар орасида Зулфия узининг борлиги билан фахрланади. Кўп улғай 12 та туқув машинаси ишониб топширилди. У ҳамма машиналарнинг бир маромда ҳаракат қилишини усталик билан таъминлади. Эндиликда ушбу туқув дастгоҳларидан олинётган хом сурп аъло навларга қабул қилинмоқда.

— Корхонада ишлаётганимга 10 йил тулди, — дейди Зулфия Солиева. — Бу ўтган давр мен учун ҳаёт мактаби бўлди десам янглишмайман. Жамоамиздаги

Мехнатинг — зийнатинг

кекса ишчилардан кўп нарсани ўргандим. Ҳозирда узим мисқоқлаб йиққан тажрибаларимни янги ишга келган ёшларга ўргатаман. Умуман айтганда, туқувчи эканлигимдан фахрланаман.

— Зулфия бизнинг фахримиз, — дейишди бир овоздан корхона ишчи-хизматчилари. — Унинг ярим йиллик курсаткичлари буйича ҳам илгорлар сафидан урин олганлиги фикримизнинг исботидир.

Баҳодир ОРИПОВ.

ҚАНОТЛИ ХУШҲАБАР

Яқин ганинқ қаноти бор, деганларидек, метрополитеннинг катта электр механизми Шомамуд Шабдукаримовнинг «Тошкент шаҳар йўловчилар ташити транспорт-фахрий ходими» унвонига

САЗОВОР БЎЛГАНИ ҲАҚИДАГИ ХУШҲАБАР ХАМ БИР ЗУМДА БУТУН МЕТРО ЖАМОАСИГА ТАРКАЛДИ

Уни дуслари, ҳамкасблари табриқлар, самимий истаклар билдиришарди. Айниқса бир гуруҳ шоғирлари самимий кўчганларида устознинг қузида беихтиёр ёш қалқиди. Шунда унинг дилидан «Меҳнат қилган элди азиз» деган сўз беҳиз айтилмаган экан-да, деган фикр ўтди.

Биз метрополитенга сафаримиз шу кўнға туғри келганидан

хушнуд бўлдик. Чунки метрочилар: «Ана сизга ташвир қахрамон», дея бизни Шомамуд ака билан олаштиришди... Ушунда у акиси темирйўлини қўлини қўлини, шу соҳага кириб ўқишга аҳд қилди. Шу ниятда акиси ишлайдиган корхонага тез-тез бориб турар, поездлар ҳаракатини катта қизиқиш билан кузатарди. Кейинчалик урта мактабни тугатиб ҳужжатларини Тошкент темир йўл муҳандислари институтига топширди. Лекин кириш имтиҳонларида тулпаган натижаси етмай қолиб, орузсига эришилмади. Бироқ Шомамуд тушқунлиққа тушмади. Турли корхоналарга ишга кириб, механиклик касбини ўргана бошлади.

1977 йил Тошкент шаҳри тарихида бир умир муқрланиб қолди. Шу йил орақиб қўтилган ер ости метро йўли фойдаланишга топширилди. Бу вақтгача анча тажриба орттирган Шомамуд

ридларининг қабри зиярат қилинди. Бу улғ инсоннинг ҳаёт йўли ҳамда Мир Саид Кўпол тарбиясида булганлиги ҳақидаги маълумот билан танишидик. Шунингдек, Бухорода Амир Олимхоннинг қишқи ва ёзи саройини, Исмоил Сомоний, Обиҳақ чашмаларини кўрдик. Дунға машҳур бўлган Мир-Араб мадрасаси бизда чуқур таассурот қолдирди.

Олимхон НУРМАТОВ.



«Кўнғилочар боғ»нинг «Кўкка саёҳат» аттракциониди. Рустам Шарипов олган сурат.

Биз ва дунё

ХАЛҚАРО МАВЗУДА

Яққасарой туман қўзи оғизлар жамиятида «Оламда нима гин?» деб номланган халқаро мавзудаги давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда иштирок этган халқаро шарҳловчилар бугунги кунда юз бераётган дунё воқеалари билан ўртоқлашдилар. Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сийосатида олиб борилаётган ишлар, келажакти буюк мамлакатининг бугунги ҳаётидаги

иқтисодий, халқ фаровонлиги йўлида қилинаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтиди. Тўлганларнинг дунё воқеаларига доир кўплаб саволларига жавоб қайтарилди.

Кеча сўнғида Манзура Эргашева раҳбарлигидаги «Гулнора» фольклор-этнографик дастасининг янги концерт дастури тақдим этилди.

Дулдана АЗИЗОВА.

Эрта тонгда Хувайдо маҳалласида ҳовлисига табаррук отахонлар, эъзозли ёшлар ва бир қанча ёш-ағлавлар йиғилиши.

Улар Самарқанд ва Бухоро сафарига отланганини эди... Автобус соат 12 ларда Самарқандга етмасдан берида қайси тоғ ўртасидаги сулим бир гушуда тухтади. Айтишларича бобомиз Амир Темури лашкари билан шу жойда дам ол-

Юрган — дарё

дас дарғоҳни қўрган қўли гул усталарга тасанолар айтилди. Кейин Бухорога йул олдик. Кенга томон Баҳоуддин Нақшбандий мадрасасига етиб бориб, шу табаррук масканда тушиб қолдик. Эрталаб буюк мутасавуф волидаларининг қабри, сунг Нақшбанднинг ва му-


ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Сизнинг рекламаларингизни, рекламалар, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес буйича эълонларни, шунингдек таъминот, таваллул қуларни, тўйлар, юбилейлар муносабати билан кўпловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида еритади.

Нархлар ҳам рисоладагидек. Сизга маъқул келадиган чегиртмалар маъжуд.

Рекламалар ва эълонлар ҳар қуни соат 8,00 дан 18,00 гача қабул қилинади. Шанба қуни соат 9,00 дан 12,00 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефонлар: 33-29-55, 33-29-02.



ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 202, 202="А", 206-хоналар.

ЖАЖЖИ МУХПИСАРГА

Толибжон Содиков номли маданият уйининг халқ театри ижодий жамоаси жажжи театр муҳ

ДУШАНБА 15

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.30 «Хафтаном».

18.10 Ўзлонлар. 18.15 «Мультифайверк». 18.25 «Тропиканка сири». Теле-сериял.

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси. 18.45 «Ўзбекистон муштарак».

14.00 — 14.05 Янгиликлар. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар.

19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Компьютер-Осиё». 20.25 Ўзлонлар.

ТИЖКОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ 1996 — 97 ўқув йилига туликсиз урта (9-синф) ва урта (11-синф) маълумотиغا эга бўлган ўқувчиларни қабул қилади.

ПАЙШАНБА, 18

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Мультифайверк». 18.25 «Тропиканка сири».

17.50 Янгиликлар. 17.55 «Компьютер-Осиё». 20.25 Ўзлонлар.

19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Компьютер-Осиё». 20.25 Ўзлонлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

1996 — 97 ўқув йилига туликсиз урта (9-синф) ва урта (11-синф) маълумотиغا эга бўлган ўқувчиларни қабул қилади.

ЧОРШАНБА, 17

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 «Д. Д. Д. ва бошқалар». 8.55 «Оромжоним, қайдасан».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Мультифайверк». 18.25 «Тропиканка сири».

17.50 Янгиликлар. 17.55 «Компьютер-Осиё». 20.25 Ўзлонлар.

19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Компьютер-Осиё». 20.25 Ўзлонлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

1996 — 97 ўқув йилига туликсиз урта (9-синф) ва урта (11-синф) маълумотиغا эга бўлган ўқувчиларни қабул қилади.

СЕШАНБА, 16

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Мультифайверк». 18.25 «Тропиканка сири».

17.50 Янгиликлар. 17.55 «Компьютер-Осиё». 20.25 Ўзлонлар.

19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Компьютер-Осиё». 20.25 Ўзлонлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

1996 — 97 ўқув йилига туликсиз урта (9-синф) ва урта (11-синф) маълумотиغا эга бўлган ўқувчиларни қабул қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ TOSHKENT OQSHOMI Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ Телефонлар: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32